

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II боб, 3-модда.



# Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

45

(1155)  
7-NOYABR

2014

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

## Қувончли натижалар:

2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун **650 километр**дан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди ва захира қилиб қўйилди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган **75 мингдан зиёд** таълим-ахборот ресурслари Ziyonet электрон портали кутубхонасига жойлаштирилди. Рақамли телевиденига босқичма-босқич ўтиш доирасида аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси **45 фоизга** етказилди.

Мобил алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТСни рақамлаштириш даражасининг ошгани натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **23,7 фоиз**, компютерда дастурлаш хизматлари **20,6 фоиз** ўсди.


Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якуллари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳисоботидан.

5-бет

Сўнги янгилик!

Hewlett Packard компанияси Sprout PC деб номланган компютерини чиқарди, унда клавиатура ва "сичқонча" вазифасини сканерлаш ва проекциялаш тизимига эга "ақли" гиламча бажаради.

Sprout PC бошқа стол компютерларидан айтарли тафовут қилмайди: 23 дюймли сенсор экранли, Intel i7 процессори ўрнатилган, бир терабайтлик қаттиқ диски бор. Амалий тизими — Windows 8.1.

 **HEWLETT  
PACKARD**



## Ахборот хавфсизлиги

### Уни таъминлашда криптографиянинг ўрни

Ахборотнинг муҳимлик даражаси қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам ахборотни ҳимоялаш учун турли усуллар қўлланилган. Улардан бири сирли ёзувдир. Ундаги матнни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу усул жамиятнинг юқори табақаси, давлатнинг элчихона резиденциялари, разведка миссияларидан

ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни ахборот ўз қийматига эга бўлди. Уни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатадилар, сотадилар ва сотиб оладилар.

Дунё миқёсида ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб бориши билан ахборот-коммуникация тизимларида айланаётган ахборот

хавфсизлигига таҳдид ҳам кескин ошди. Айниқса, интернет пайдо бўлгандан бошлаб, ахборот ўғирлаш, ахборот мазмунини бузиб қўйиш, эгасидан износиз ўзгартириб қўйиш, тармоқ ва серверлардан берухсат фойдаланиш, тармоққа тажовуз қилиш, жўнатмаларни рухсат этилмаган йўллар орқали жўнатиш ҳоллари кўпайди.

3-бет

УШБУ СОНДА:

- Тезкор хизмат амалда **2**
- Беминнат дастёр **4**
- Open Data?! **6**
- "Лимонзор"га келин келди **12**
- Чин бахт **16**

Теледастурлар, спорт, кроссворд



## Jumadan umagacha

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

● Шу йилнинг 29 октябр кuni БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи кўмитаси "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома" резолюцияси лойиҳасини кўриб чиқди ва овоз беришга қўймасдан, консенсус асосида мазкур ҳужжатни қабул қилди. Дунёнинг 60га яқин давлатлари, жумладан, "ядровий бешлик" мамлакатлари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция унинг ҳаммуаллифлари бўлишди.

● 2014 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида чакриш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 44та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темирйўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси "Бизнесни юритиш 2015: самарадорлик доирасидан чиқиб" (Doing Business 2015: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистонда ҳисобот даврида энг сезиларли даражада яхшилانган соҳа солиқ тизими бўлиб, мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича рейтингда ўтган йилга нисбатан 61 поғона юқорига кўтарилган.

● Андижонда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, хасталикка қарши кураш ва мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II боб, 13-модда.

# ITRA 2014: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Тошкент ахборот технологиялари университетида 4-5 ноябр кунлари "ITRA 2014 – Ахборот технологияларининг ривожланиш истиқболлари" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.**

Анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдинов мамлакатимиз ҳуқуқати томонидан соҳа ривожига, унинг иқтисодий, бошқарув, илм-фан, таълим тизимларига жадаллик билан кириб боришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ялпи мажлисда қатор маърузалар ўқилди. ТАТУ профессори Т.Нишонбоевнинг маърузаси "Ахборот ресурсларини тақдим этишда хизмат турларини эътиборга олиб тармоқ архитектурасини тақлиф этиш" мавзусига бағишланган бўлса, университет яна бир профессор М.Якубов "Ўзбекистон Республикасида электрон ҳуқуқат тизимини ташкил этиш" масалаларига бағишланган қизиқарли ва долзарб маърузаси билан чиқиш қилди.



Умуман олганда, халқаро конференцияда муҳокама қилинган 175та маърузанинг аксарияти инглиз тилида ҳавола этилди. Хусусан, маърузалар тўплами ҳам инглиз тилида чоп этилиб, барча қатнашчиларга тарқатилди. Маъруза ўқиш учун эса мамлакатимиз мутахассисларидан ташқари, МДХ ва бошқа чет мамлакатлардан олимлар тақлиф этилди.

Анжуман иш кунлари олтита шўбада давом этди. Гуруҳларда электрон ҳуқуқат; ахборот хавфсизлиги; моделлаш, бошқариш ва қарор қабул қилиш тизимларида ахборот технологияларини қўллаш муаммолари ва ривожланиш истиқболлари; АКТ

муаммолари ва ривожланиш истиқболлари; АКТ соҳасида иқтисодий ва менежмент; таълимни ахборотлаштириш сингари йўналишлардаги маърузалар тингланди. Эътиборли жиҳати, стук олим ва мутахассислар билан бир қаторда, катта илмий ходим-изланувчилар (докторантлар), магистрик ва бакалаврик босқичида таҳсил олаётган талабалар ҳам ўз маърузаларини тақдим этишди.

Соҳа мутахассислари, ўқитувчи ва талабаларнинг катта қизиқишига сабаб бўлган мазкур халқаро анжуман баҳс-мунозараларга бойлиги билан эсда қолди.

Ўз мухбиримиз

## SAYLOV-2014

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва туман, шаҳар, вилоят кенгашларига бўладиган сайлов муносабати билан Сурхон воҳасида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

## Тезкор хизмат амалда

Хусусан, мавжуд округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган иншоотларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилди. Сайловолди тadbирларини кенг йўлга қўйишда "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали, "ЎзМобайл" филиали вилоят участкаси ҳамда "ЎЗИ-Термиз" филиали жамоалари; айниқса, фаол иштирок этишди.

Ҳозир сайлов участкаларига ўрнатилган алоқа воситалари нуқсонсиз ишлаб турибди. Натижада жойлардаги тезкор ахборотлар вилоят марказий сайлов комиссиясига ўз вақтида етказилмоқда. Йўлга қўйилган интерактив хизмат имкониятлари мавсум билан боғлиқ фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Масофасиз ва қоғозсиз ҳаракат бўлгуси сайловни ҳар



томонлама намунали ўтказишга пухта замин яратмоқда.

Тез кунларда сайловолди тadbирлари ҳал қилувчи паллага киради. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари натижалари ҳам бевосита ахборот технологиялари кўмағида олинган маълумотлар асосида атрофлича таҳлил этиб борилади.

Бир сўз билан айтганда, амалдаги тезкор хизмат демократия кўзгуси ҳисобланган сайловнинг муваффақиятли ўтишига салмоқли ҳисса қўшади.

**З.НОРТОЖИЕВ**  
Сурхондарё вилояти

## ТА'ЛИМДА АКТ

### Чет тилларни ўқитишда инновациялар

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга оид ишларни давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш имконини бермоқда. Мазкур қарор чет тили ўқув фани сифатида бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллашда, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда "Чет тилларни ўқитишни жадаллаштиришнинг инновацион йўналишлари" мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда хорижий тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш, илгор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Тадбир доирасида инглиз тили бўйича очиқ дарс машғулоти ташкил этилди.



◀ 1-бет

Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бешта синфга оид восита ва усуллар орқали амалга оширилади. Улардан энг асосийси ахборот хавфсизлигининг **ташқилий воситалари** бўлиб, у 50-60 фоизни ташкил этади. Қўриладиган чора-тадбирлар юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат ахборот ресурсларини ташкил этиш, шакллантириш, улардан фойдаланиш ва қўллаб-қувватлашга жалб этиш тартибини бошқарадиган талаблар рўйхатини ўз ичига олиши керак.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг **ҳуқуқий воситаси** асосини ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни таъминлайдиган қонун ва ҳужжатлар ташкил этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун, аввало, ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Концепцияда миллий ва корпоратив манфаатлар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш принциплари ва маддаш йўллари аниқланади ва уларни амалга ошириш бўйича масалалар таърифланади. Концепция ахборот хавфсизлиги муаммосига расмий қабул қилинган қарашлар тизими ва уни замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ечиш йўллари.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг **аппарат-дастурий воситалари** — ахборотни муҳофаза қилиш функцияларини, яъни фойдаланувчиларни идентификациялаш ва аутентификация қилиш, ресурслардан фойдаланишни чеклаш, воқеаларни қайд қилиш, ахборотни криптографик ҳимоялаш каби ишларни бажарадиган мустақил ёки бошқа воситалар билан биргаликда қўлланиладиган турли электрон қурлма ва махсус дастурлардир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асоси сифатида криптография фани тан олинган бўлиб, бу фанни ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланган. Чунки ахборотни криптографик ҳимоя қилиш ахборот хавфсизлигини таъминлашда энг ишончли воситалардан ҳисобланади.

Ахборот-коммуникация тизимларида стенография усуллари асосланган стенографик воситалардан ҳам фойдаланилади. Стенографик усуллар сақланаётган ёки узатилаётган ахборот маъносини беркитибгина қолмасдан, балки ёпиқ ахборотни сақлаш ёки узатиш омиллини ҳам яшириш имконини беради. Барча стенографик усуллар асосида ёпиқ ахборотни очик файллар ичида ниқоблаш ётади. Стенография воситалари ёрдамида матн, тасвир, нутқ, рақамли имзо, шифрланган хабар ниқобланиши мумкин. Стенографияни ва шифрлашни комплекс ишлатиш махфий ахборотни пайқаш ва очиш масаласини ечиш мураккаблигини кўп маротаба оширади.

Криптография соҳасида илмий тадқиқотлар бошланганига ҳали кўп вақт бўлмасда, олим ва мутахассисларимизнинг илмий салоҳияти бардошли миллий криптографик алгоритмлар яратиш учун етарли бўлди. Мазкур соҳа ривожига олимларимиздан П.Хасанов, М.Арипов, М.Каримов, Д.Ақбаров ва Х.Хасановларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Республикамизга кириб келаётган барча хори-

**Криптография ахборотларнинг конфиденциаллиги, ҳақиқийлиги ва яхлитлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Конфиденциаллик шифрлаш, аутентификация, яъни ҳақиқийлик электрон рақамли имзо ва сертификат, яхлитлик электрон рақамли имзоларда фойдаланиладиган хэш-функциялар орқали амалга оширилади.**

# Ахборот хавфсизлиги

## Уни таъминлашда криптографиянинг ўрни

жий воситаларнинг ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини текшириш, давлат аҳамиятига эга бўлган жойларда эса фақатгина республикамизда ишлаб чиқарилган криптографик воситалардан фойдаланиш ва миллий тизимлар яратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик муҳофазасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 614-қарорининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2008 йили Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг "Ахборот хавфсизлиги ва криптология" илмий-тадқиқот бўлими негизида "Ахборот хавфсизлиги ва криптология" илмий-тадқиқот департаменти ташкил этилган бўлиб, департамент олдига бугунги кунда долзарб бўлган энг муҳим вазифалар қўйилди.



**E-XAT** ҳимояланган электрон хат алмашиш тизими электрон хатларнинг бутунлиги, махфийлиги ва ишончилигини, умуман олганда, фойдаланувчилар ўртасидаги электрон хат ҳамда овозли маълумотларни узатишдаги ахборот ҳимосини таъминлаб бериш мақсадига ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда криптографик тизимлар ахборот хавфсизлигининг кўплаб муаммоларини ечишга қодир бўлиб, уларнинг муҳим қўлланиш соҳалари электрон ҳужжат алмасуви, электрон тижорат, электрон савдо, банк тизими фаолияти, солиқ тўловлари тизими ва бошқалардан иборат.

Давлат ва бошқарув органлари орасида электрон ахборот алмашишда электрон хат алмашиш тизими энг кўп қўлланилади. Шунининг олган ҳолда мутахассислар томонидан E-XAT ҳимояланган электрон хат алмашиш тизими ишлаб чиқилган.

Жорий йилда департаментнинг криптография илмий-тадқиқот бўлими мутахассислари томонидан ахборот хавфсизлиги ва криптография йўналиши бўйича бир қатор давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Шунингдек, "Электрон ҳуқумат инфратузилмасида аутентификация тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш", "Носимметрик криптолизимлар учун криптобардошли калитларни генерациялаш усуллари ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш" ва "Таҳлилий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ҳимояланган автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш" мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Ҳозирги кунда интернет орқали кўрсатилаётган



**"E-Hujjat"** электрон ҳужжат айлашиш тизими эса тизим фойдаланувчиларининг электрон рақамли имзоси асосида уларни аутентификация қилиш ва ахборотнинг бутунлигини текшириш мақсадига фойдаланилади.

хизматлар тури кўпайиб, улар хавфсизлигини таъминлаш муаммоси юзага келган. Электрон тижорат асосларидан бири бўлган электрон тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммонинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда "Электрон тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш" мавзуида илмий-тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот натижаларидан соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда ва инновацион ривожлантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, шунингдек, ишлаб чиқилган ахборотни криптографик муҳофазалаш усулидан республикамиздаги электрон тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини юқори даражада муҳофазалаш учун фойдаланиш мумкин.

**А**хборот хавфсизлиги соҳасида яратилган электрон ўқув қўлланмалар юқори малакали кадрларни тайёрлашда ва уларнинг мустақил билим олишларида кенг имкониятдир. Ахборот хавфсизлиги йўналишида тайёрланаётган кадрларнинг билим, малака ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадига "Ахборот хавфсизлиги ва криптография асослари" электрон ўқув қўлланмасини лотин ёзувида асосланган ҳолда ишлаб чиқишга эришдик.

Мазкур қўлланмада ахборот хавфсизлиги ва криптографиянинг асосий тушунчалари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг классик ва замонавий усуллари, уларнинг дастурий ва аппарат-дастурий воситалари ҳақидаги маълумотлар баён этилди. Ҳар бир бўлимдан кейин назорат саволлари келтирилиб, электрон ўқув қўлланма учун дастурий таъминот яратилди. Шунингдек, электрон қўлланмадан Ахборот хавфсизлиги ва криптография бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳам ўрин олган. Қўлланма кенг китобхоналар оммаси учун мўлжалланган бўлиб, ундан ахборот хавфсизлиги ва криптография йўналишида таълим олаётган талабалар, илмий ходимлар ва соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Ойдин АХМЕДОВА,  
"UNICON.UZ" ДУК криптография  
илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи,  
техника фанлари номзоди



**E-KALIT** аппарат-дастурий воситаси ахборот тизимлари билан биргаликда фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, шифрлаш ва электрон рақамли имзонинг махфий калитларини ҳимояланган ҳолда сақлаш учун мўлжалланган ва у "Банк-мижоз", "Интернет-банкнинг" ва бошқаларда қўлланилади.



## Xalqaro hayot

◆ СУРИЯ ҳарбий кучлари Халаб шаҳрининг бир неча хиёбонлари ва биноларини террорчилар қанғалидан озод этишганидан кейин, бу шаҳарни буткул террорчилардан тазалашга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун армия кенг масштаби амалиётларини бошлаш ҳақида хабар бермоқда.

◆ АФҒОНИСТОН президенти Ашраф Ғани Аҳмадзай ўз исмини Ашраф Ғанига ўзгартирди. Шу билан бирга, президентнинг исмидаги ўзгартаришлар барча ҳужжатларда ҳам ўз аксини топди. Аҳмадзай — Афғонистондаги йирик пуштун қабилаларидан бири бўлиб, ушбу қабила вакиллари ўз исми шарифининг охирига қабиланинг номини қўшиб, ўзларининг ушбу қабилага тегишли эканликларини билдиришган.

◆ АҚШ Республикачилар партияси 2006 йилдан буён илк маротаба сенатда кўпчилик ўрнига эга бўлди. Конгресснинг юқори палатасига бўлиб ўтган оралиқ сайловлар якунлари бўйича Республикачилар партияси демократлардан сенатдаги олтига ўринни олиб қўйди. Шу тариқа, улар палатадаги жами 100та ўриндан 51тасини эгаллади.

Республикачиларда ўз устулигини яна ошириш имконияти бўлади: Луизиана штатида номзодлардан ҳеч бири овозларнинг 50 фоизини тўплай олмади, шу тўғрисида штат қонуни бўйича иккинчи тур белгиланади.

◆ ХИТой ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҳукумати мамлакат ҳудудидида учта янги темир йўл линияларини қуришга қарийб 40 миллиард доллар сарфламоқчи. Тегишли лойиҳа 31 октябр куни ХХР Тараққиёт ва ислоҳот давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган. Линияларни қуриш беш йил ичида тугалланади.

◆ ЕВРОПА ИТТИФОҚИнинг ташқи иқтисодий ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Федерика Могерини фикрича, ЕИ давлатлари умумий хавфсизлик ва манфаатлар юзасидан Фаластин давлатчилигини тан олиши зарур. Бу ҳақда у Европа ОАВларида берган илк интервьюсида айтиб ўтди. Унинг таъкидлашча, минтақага, шу жумладан, Исроил ва Фаластин ўртасидаги низои тартибга солишга ўзаро келишиб ёндаша бошланиши вақти келди.

Федерика Могеринининг Европа дипломатияси раҳбари сифатида Исроил ва Фаластинга шу мақсаддаги илк ташири ҳафта сўнгига режалаштирилган.

◆ УКРАИНА мамлакат жануби-шарқига кўпроқ ҳарбийларни жўнатишга қарор қилди. Президент Пётр Порошенко бу кучлар мухолифларнинг шарқий минтақаларда эҳтимолий ҳужумларини қайтариш мақсадида жўнатилишини эълон қилди. Миллий муҳофа ва хавфсизлик кенгашининг йиғилишида сўз юритган Порошенко, шунингдек, Украина шарқидagi сайловларни кулгили деб атади ва бу сайловларни тан олмаслигини билдирган ҳолда, сайловлар ўтказилишини Минск келишуви ва Украинада тинчлик ўрнатилиши жараёни учун хатарли деб атади.

Эслатиб ўтамиз: Украинанинг Донецк ва Луганск минтақаларида яшанба куни парламент сайловлари ўтказилди.

## БЕМИННАТ ДАСТЁР

Nielsen компанияси томонидан ўн та мамлакатдаги IT-директорлар ўртасида ўтказилган сўровномада планшетлар ходимлар тезкорлиги ва сермахсуллигини оширишга ёрдам бериши аниқланди.

Респондентларнинг ярмидан кўпи (Россия — 58 фоиз, Ҳиндистон — 57 фоиз, Хитой — 52 фоиз, АҚШ — 51 фоиз) ходимларига шахсий планшетларидан ишда ҳам фойдаланишларига рухсат беришини маълум қилган.

Планшетларга ўрнатилган амалий тизимлар ҳақида гап борганда, бу мамлакатларнинг барчасида Windows, iOS ва Android кенг тарқаган. Шундай бўлса-да, Android кўпроқ оммалашгани респондентларнинг жавобларидан маълум



бўлди: Ҳиндистон (91 фоиз), Бразилия (87), Россия (87), ЖАР (81), Хитой (79), БАА/Саудия Арабистони (79), Франция (69), Буюк Британия (69). Windows АҚШда (72), iOS Японияда (69 фоиз) кўп ишлатилиши аён бўлди.

## Телефонми ёки...


Мобил телефонларнинг асосий функцияси — овозли чақирув ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган кўринади. Бу борада сўровнома ўтказган британиялик олимлар респондентларнинг 40 фоизи телефондан сўзлашув мақсадида фойдаланмаслигини аниқлашди.



Замонавий мобил телефоннинг энг оммалашган функциялари орасида сўзлашув SMS-хабарлар, электрон почта, будилник, калкулятор, ҳатто ижтимоий тармоқларга киришдан кейинги ўринни олган.

## Хоулин Чжао — ХЭИ бош котиби

Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ)нинг Пусан (Жанубий Корея)да 20 октябрдан 7 ноябргача бўлиб ўтган XIX Ваколатли конференциясида ташкилот раҳбарлик лавозимларига сайловлар ҳам ўтказилди. Хусусан, ХЭИ янги бош котиби этиб Хоулин Чжао (Хитой) сайланди. У 2015 йил 1 январидан вазифасини бажаришга киришади.



## Эртанинг ташвиши

Samsung компанияси смартфонлар бозоридаги стратегиясини қайта кўриб чиқади. Бу ҳолат компаниянинг 2014 йил учинчи чорагидаги молиявий сушт кўрсаткичлари билан боғлиқ.

Ҳисобот даврида компаниянинг савдо кўрсаткичлари 60 фоизга, соф фойдаси 49 фоизга камайиб кетган. Ҳолбуки, Samsung — ҳозир жаҳон мобил телефонлар бозори этакчиси, бироқ бир пайтлар Motorola ва Nokia ҳам бу мавқега эга бўлишган...

"Қимматбаҳо телефонлар сотишда натижаларимиз мақтагулик эмас. Энди барча турдаги маҳсулотларимизни қайта кўриб чиқамиз ва ҳар бир нарх тоифасида рақобатбардошликни таъминлашга эришимиз зарур", — деди компаниянинг мобил қурилмалар бўлини маси раҳбари Ким Хен-Чжун.

## Такдимот: Android 5.0

Android мобил амалий тизими-нинг 5.0 авлуди (Lollipop) якуний шакли 3 ноябрда чиқди.



Мазкур платформа тамойилига кўра янги дизайн интерфейсга эга бўлиб, билдиришлар хизмати, ишлаш самардорлиги, муқобил ишлаш даври яхшилانган.

Янги тизим учун ишланмалар билан шуғулланувчилар ўз мобил иловаларини яратиш ёки синондан ўтказиш учун тегишли Android 5.0 Platform инструментариини юклаб олишлари ва уни Google Play интернет-дўконида жойлаштиришлари лозим.

## BlackBerry ўрнига Motorola

Lenovo компанияси Google корпорациясидан Motorola Mobility смартфонларини ишлаб чиқариш фаолиятини сотиб олиш бўйича якуний битимга эришди. Lenovони смартфонлар бозоридаги учинчи йирик ишлаб чиқарувчига айлантириши кутилаётган мазкур шартнома 2,91 млрд. долларга имзоланган.

Шартномага кўра, Хитой компанияси ихтиёрига Motorola бренди, Moto X, Moto G, Moto E сингари мобил телефонлар, DROID туркумидаги смартфонларни ишлаб чиқариш, шунингдек, Motorola савдо белгиси остидаги режа ва лойиҳалар (жумладан, Moto 360 смарт-соатлари) ўтади.

Дарвоқе, хитойликларнинг BlackBerry (Канада)ни сотиб олиши ҳақидаги гап-сўзлар расман тасдиқини топмади.

lenovo



С.ТЕМИРОВ тайёрлади



Маълумки, республикадаги ilk рақамли теледас-турлар Тошкент ва Бухоро тажрибавий ҳудудларида 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб эфирга узатила бошлан-ганди. Эндликда биргина Бухоро вилояти бўйича йига яқин ҳудудларнинг телетомошабинлари рақамли ТВ имкониятлари ва афзалликларидан баҳраманд.

## Бухорода рақамли ТВ: режа ва вазифалар

— Ҳозирги пайтда вилоят-нинг Когон, Жондор, Воб-кент, Бухоро, Шофиркон, Пешку, Ромитан туманлари ва Бухоро шаҳри, шунинг-дек, қўшни Навоий воҳаси-нинг Қизилтепа тумани аҳолиси учун ана шундай имконият яратилган, — дей-ди Бухоро радиотелевидение узатиш маркази раҳбари Неъмат Саъдиев. — Бугунги кунда турли ёшдаги кишилар "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт", "Кино-театр", "Диёр", "Болажон", "Дунё бўйлаб", "Наво", "Бухоро-ТВ", "Маданият ва маърифат" син-гари телеканаллар орқали эфирга узатилаётган ижти-мой-сиёсий, маънавий-маъ-рифий, адабий-бадиий ва кўнгилочар дастурларни то-моша қилмоқдалар. Вилоят аҳолисининг 70 фоизи ра-қамли ТВ кўрсатувларини кўриш имконига эга. Ушбу йўналишдаги истиқболли режа-вазифалар ҳам аллақач-он белгилаб олинган. Жум-ладан, 2015-2016 йиллар да-вомидида вилоятнинг бошқа бир қатор ҳудудларига, хусусан,

Олот, Зафаробод, Газли, Қизил Равот, Қоровулбозор ва Жонгелди радиотелевизи-он станция (РТС)ларига ол-тита рақамли телеузатгич ўрнатиш кўзда тутилган. Бун-дан ташқари, Бухоро шаҳри-да қўшимча яна иккита, Олот туманида эса битта телеузат-гич ўрнатиб, ишга тушириш мўлжалланган. Шу тариха яқин икки-уч йил ичида вилоят аҳолиси юз фоиз ра-қамли телевидение билан қамраб олинади.

— Бугун дунёда бўлганидек, республикада ҳам телеви-дениенинг аналогли тизими-дан воз кечиб, рақамли шакли-га боқичма-боқич ўтилаётга-ни бежиз эмас, — дейди сўзини давом эттириб Н.Саъдиев. — Интернет ва телевидение ту-шунчалари бир-бири билан муштарак эканлиги, бугунги кунда жаҳон интернет контен-тининг ярмидан ортинини ви-део ва телевидение хизматлари ташкил этаётгани бор гап.

Алоқа соҳасининг барча жаҳаларида бўлганидек, ви-лоят радиотелевидение узат-тиш марказининг ҳам ўз

жонкуяр ишчи-хизматчила-ри, ҳақиқий фидойилари та-лайгина. Вилоят миқёсида хизмат кўрсатиш тартибининг тобора мукамаллашиб бо-раётганлиги, фойдаланувчи-лар сонининг йил сайин оши-

ши, интерактив рақамли ТВга бўлган талаб-эҳтиёжнинг ўса-ётганлиги марказ жамоаси-дан ўз кундалик хизмат вази-фасига масъулият билан ёнда-шишни, замонавий техника ва технологияларнинг ишлаб чи-қариш жараёнига кенг татбиқ этилишига муносиб ҳисса қўшишни тақозо этмоқда. 86 нафар кишидан иборат ахил жамоа бу масъулиятни теран англаган ҳолда иш юритяпти. Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение муҳандислари ва бошқа касб эгалари орасида соҳада узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Айнан шу хусусда сўз боргудек бўлса, жамоа аъзолари мар-казнинг ишлаб чиқариш лабо-раторияси бошлиғи Тўхтамиш Ашуров, устакка бошлиғи Ҳасан Болтаев, шунингдек, Қоровулбозор, Газли, Қизил Равот РТСларига моҳирона раҳбарлик қилиб келаётган Анвар Рустамов, Зафар Тўхта-ев, Бахтиёр Ҳақимов ва бошқа бир қатор ҳамкасблари номи-ни фахр билан тилга олади.

OGONLIK — DAVR TALABI

## Диний экстремизм — умумий муаммо

Мамлакатимизда динларро бағри-кенглик тамойилининг амалдаги ифодасини бугун бутун дунё кўриб турибди. Юртимизда ҳозирги пайтда 2186та диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Истиқлол йилларида мил-лий қадриятларимизнинг янгича бўй кўрсатиб, кишиларимиз қалбидаги иммон-этиқод сарчашмалари янада мустаҳкамланишида бу ташкилотлар-нинг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Афсуски, кейинги пайтда дин ниқоби остида баъзи бир экстремистик кучлар ёшлар онгини турли бузғунчи ғоялар билан захарлаш, ер юзининг бир қатор давлатларида эса хунрезлик ва қўпурувчилик хатти-ҳара-катларини амалга оширишдан тап тормаяп-тилар. Терроризм хуружи натижасида тинч аҳоли осойишталиги бузилиб, етим ўғдаклар сони кўпаймоқда. Президентимиз таъкидла-ганидек, миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллигига ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсири остига олиш, унинг устидан

ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифати-да сақланиб қолиши муқаррар.

"Ўзбектелеком" АҚ Бухоро филиалида "Дин-ий экстремизм ва халқро терроризмга қарши кураш. Огоҳлик — давр талаби" мавзuida ўтказилган йиғилиш давомида ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва теле-коммуникация технологиялари давлат қўмитаси тизимига кирувчи қорхона ва ташкилотлар-нинг вилоятдаги раҳбар ходимлари, меҳнат жамоалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш давомида ёшларимизни кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шарт-ти бўлиб, огоҳлик — давр талаби эканлиги қайта-қайта тилга олиб ўтилди.

Худди шундай йиғилиш "Ўзбектелеком" АҚ "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали бешинчи боғламасида ҳам бўлиб ўтди.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

NAZORAT

## Бугунги кун тақозоси

Бухоро вилояти аҳолисига кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифати назоратда

Почта хизматлари қўлаб инсонлар ва қорхоналарнинг кундалик эҳтиёжларига айланган ва ҳар бир инсон яқинлари ҳамда дўстларидан янгилик олиб келувчи хат ташувчини интиқлик билан кутадиган бугунги даврда почта алоқаси хизмати кўрсатаётган ходимлардан ўз ишига жиддий масъулият талаб этилади.

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган почта ало-қаси хизматлари сифати Алоқа, ахборот-лаштириш ва телекоммуникация технологияла-ри соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда. Жумладан, 2014 йилнинг 9 ойи давомида Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳудудларига инспекциянинг Бухоро вилояти худудий бўлинимасидан жами 78та, шу жумладан, 39та оддий, 39та буюртмали (шундан 12таси хабарномали) хатлар ҳамда Бухоро вило-яти ичида жами 90та, шу жумладан, 45та оддий ва 45та буюртмали (шулардан 18таси хабарнома-ли) назорат хатлари жўнатилиб ва қабул қили-ниб, почта алоқаси универсал хизматларининг назорати олиб борилади. Жўнатилган назорат хатлари таҳлили натижасида хатлар манзилига назорат муддатларидан кеч етказилиши, манзилга етиб бормасдан йўқолиши, почта қутиларидан кечиктириб олинishi, алоқа бўлимига келиб тушганидан кейин манзилга кеч етказилиши ҳамда буюртмали хатларни қабул қилишда "По-чта қондалари" бузилиши ҳолатлари оз бўлса-да давом этаётганлиги маълум бўлди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тегишли чоралар кўриш мақсадида ин-спекциянинг Бухоро вилояти худудий бўлинимаси томонидан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиалига почта алоқасининг универсал хизмат-лари назорати таҳлили ҳар ойда тақдим этиб борилади. Камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан филиал томонидан қонун-чиликда ўрнатилган тартибда тегишли интизо-мий жазо чоралари қўрилмоқда.

Почта алоқаси хизматлари сифатини ошириш учун почта хизматларини кўрсатувчи ҳар бир масъул ходим ўзига юклатилган масъулият ва мажбуриятларни чуқур ҳис этган ҳолда, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини яхшилаб бори-ши ҳамда почта жўнатмаларини қабул қилиш, уларга қайта ишлов бериш ва адресатларга назо-рат муддатларида етказиб бериш бўйича барча технологик жараёнларни белгиланган норматив ҳужжатлар талаблари даражасида бажаришлари, мунтазам равишда ўз билимларини ошириб бо-риши лозим.

Замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларидан унумли фойдаланган ҳолда почта алоқаси соҳасида янги хизмат турларини жорий этиб, аҳолига хизмат кўрсатиш жойларини мала-кали кадрлар билан таъминлаш ва жой-жойига қўйиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини яхши-лаш, почта тармоғининг ишончлилиги ва бар-қарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда почта хизма-тини кўрсатишнинг халқро талаблар даражасига етказиш ҳозирги кун тақозосидир.

Ф.БОЛТАЕВА,  
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Бухоро вилояти худудий бўлинимаси инспектори



(Продолжение. Начало в №44)

## Почему "открытые данные"?

Открытые данные в Узбекистане, в особенности открытые данные государственных органов — до сих пор являются практически нетронутым ресурсом. Многим людям (разработчикам) и организациям по роду занятий нужно собирать данные самых разных типов, создавать базы данных и т.д. Особенно примечательны в этом плане правительства, как из-за объема данных, так и из-за централизации. Кроме того, в соответствии с правительственными решениями большая часть правительственных данных публична, а значит может быть сделана открытой и доступной для использования желающими. Почему же это так важно?

Существует множество отраслей, где открытые данные могут оказаться полезны. Кое-где уже есть примеры их использования. Многим группам и организациям (включая само правительство) доступность открытых данных была бы на руку. В то же время мы не можем заранее точно сказать, где и как они пригодятся в будущем. Новые идеи часто приходят из самых неожиданных мест; такова природа инноваций.

Уже сейчас можно указать множество областей, где открытые данные госорганов оказываются полезны. Вот только некоторые из них:

- Прозрачность и гражданский контроль;
- Участие граждан в управлении;
- Самоподдержка;
- Лучшие или новые частные продукты и сервисы;
- Инновации;
- Большая полезность государственных услуг;
- Большая эффективность государственных услуг.

Открытые данные важны и для экономики. Ряд исследований показал, что только в европейских странах рыночная стоимость открытых данных составляет десятки миллиардов евро. Появляются продукты и компании, которые используют открытые данные. Вот к примеру датский сайт [husetsweb.dk](http://husetsweb.dk) помогает повысить энергетическую эффективность дома, заполнить финансовое планирование и найти строителей, которые сделают работу. Он использует кадастровую информацию и информацию о правительственных субсидиях, а также местные реестры компаний.

Самому правительству открытые данные тоже будут полезны. Они могут, например, повысить свой КПД. Например, голландское министерство образования опубликовало все свои обучающие материалы онлайн для повторного использования. К нему стали реже обращаться с вопросами, нагрузка и расходы уменьшились; когда же вопрос всё же возникает, чиновникам легче на него ответить, так как они знают, где искать нужные данные. Открытые данные делают правительство эффективнее, что позволяет уменьшить расходы.

В Узбекистане также можно реализовать проекты открытых данных,

если превратить публичные данные госорганов в открытые. Для этого, однако, данные надо действительно открыть, без всяких ограничений (юридических, финансовых или технологических) на их повторное использование.

## Нужны или не нужны "открытые данные"?

# OPEN DATA?!

## Открытые данные...

В нашей стране в рамках реализации правительственных решений о предоставлении доступа граждан к информации о деятельности государственных органов, удовлетворения информационных потребностей граждан во многих государственных органах созданы информационные службы. Одной из основных задач служб является также информационное сопровождение, своевременное наполнение и обновление веб-сайта государственного органа. Хотя в последнее время информационными службами проделана большая работа по информированию граждан и субъектов предпринимательства о деятельности государственных органов через печатные и электронные СМИ, развитию веб-сайта, но с принятием Закона об открытости деятельности органов государственной власти и управления информационным службам предстоит проделать большую работу по качественной реализации положений Закона.

В последние годы возросло требование общества к прозрачности и открытости деятельности органов государственной власти и управления (государственные органы), обеспечения гарантий права на получение информации о деятельности государственных органов, а также регулирования вопросов распространения информации о деятельности государственных органов. При этом под открытостью понимается публикация и размещение информации как в обычной форме, так и в форме, пригодной для компьютерной обработки (машинночитаемой форме).

В настоящее время в государственных органах сформированы огромные массивы информационных ресурсов, представляющих большой интерес для пользователей. Раскрытие общественно значимой информации государственных органов в форме открытых данных является фундаментом открытого государственного управления. За счет публикации и предоставления доступа к открытым данным обеспечивается прозрачность работы государственных органов, предоставляется возможность для проведения общественного контроля, а также создаются новые услуги для граждан и бизнеса.

Публикация информации и сведений о деятельности государственных органов в форме открытых данных позволит использовать их в качестве

источников данных при формировании различных информационных ресурсов и разработке информационных систем, а также услуг и приложений как для государственных органов, так и субъектов предпринимательства.

Для достижения поставленных целей в области открытых данных на начальном этапе необходимо провести тщательный анализ текущей ситу-

целей граждан и бизнес-сообщества. Для дальнейшего использования сведений и данных Портала внешним пользователям будет предоставлен доступ к этим данным в машиночитаемой форме с использованием интерфейса программирования приложений (API).

Источниками открытых данных для Портала являются информационные ресурсы государственных органов. Государственные органы сами будут публиковать свои наборы открытых данных на Портале после прохождения соответствующей регистрации. Открытые данные будут храниться в централизованном хранилище Портала. Процесс публикации открытых данных на Портале будет осуществляться согласно утвержденному регламенту. Обязанность государственных органов публиковать открытые данные на Портале должна быть закреплена соответствующими нормативно-правовыми актами Республики Узбекистан.

Разработка и запуск Портала открытых данных, равно как и формирование и публикация открытых данных государственных органов, послужит еще одним важным шагом на пути дальнейшего обеспечения открытости деятельности государственных органов, а также будет способствовать укреплению доверия граждан и бизнес-сообщества к государственным органам и Правительству, реализации конституционных прав граждан на информацию и дальнейшему развитию и внедрению системы "электронного правительства" в республике.

## Ну и кто же пользователи?

Как мы уже сказали выше, учитывая важность и актуальность данного Портала, его необходимо разработать и запустить при Правительственном портале Республики Узбекистан [www.gov.uz](http://www.gov.uz). Одним из положительных опытов такого портального решения является Единый портал интерактивных государственных услуг [www.mu.gov.uz](http://www.mu.gov.uz), являющийся единой точкой доступа к услугам госорганов.

Данный портал также будет являться единой точкой доступа к открытым базам данных госорганов, и, кроме того, что он будет олицетворять прозрачность и открытость, он также будет подпитывать разработчиков (общественники, представители бизнес-структур, а также сами госорганы), которые будут создавать различные приложения на основе данных Портала.

Нозим ДАЛИБАЕВ,  
главный специалист — начальник  
группы центра "UZINFOCOM",  
Алижон НАЗАРОВ,  
главный специалист центра  
"UZINFOCOM"

### P.S.

Данную статью хотим закончить высказыванием Андреа ди Майо: "Так что давайте будем и дальше постоянно уделять внимание направлению "открытых данных", но давайте при этом позаботимся о том, чтобы вместо привлекательных новостийных заголовков на темы здравоохранения или развития нового бизнеса предложить государственным органам конкретные стимулы, способствующие применению методов "открытых данных" для их собственных деловых целей, а не просто ради всеобщего блага".

В свою очередь хотим отметить, что этой статьей мы начинаем серию статей про открытые данные.



Великодушие — отец нам, щедрость — мать,  
А скромность мы должны их дочерью считать.

Алишер НАВОИ



# Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 10 НОЯБР

ЎЗБЕКИСТОН

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
07.00 "Қўшаринлар сирин ҳаёти". Х/ф.  
07.30 Миллий сериал: "Узи уянамизан соғин".  
08.00 "Тадқилонома".  
08.40 "Сайёралар". Х/ф.  
09.30 "Кўнгиб ободлиги".  
09.50 "Она замин инъомлари".  
10.00 "Этиқ қабулгар". Т/с.  
10.45 Кўчдо амакининг ҳикоялари. М/с.  
11.00 "Абдор".  
11.10 "Ватанпарвар".  
11.55 "Иқлим".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
13.00 "Мен ва у".  
13.25 "Қўшнинг қилди жилавлари".  
13.40 "Юрган - дарё".  
14.00 "Абдор".  
14.15 "Зне" студияси: "Этиққа мустақамлиги йўли".  
14.35 Миллий сериал: "Фидойилар".  
15.05 Тинч океани". Х/ф.  
15.30 "Иқлим".  
16.00 "Тез соғин". Б/ф.  
17.00 "Абдор".  
17.10 "Эркин фикр".  
17.20 "Иқлим".  
17.25 "Атроқолим".  
17.40 "Кораник".  
18.00 "Кўнгиб қўшиқ истаиди".  
18.15 "Иқлим".  
18.20 "Саноат ярмағаси ва композитрон биржа".  
18.40 "Доктор Хаус". Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Абдор". рус/.  
20.05 Миллий сериал: "Опа - синдилар". 2-Фалс.  
20.50 "Абдор".  
21.40 "Обод ва экология: ҳамкорлик кирралари".  
22.00 "Кўнгиб қўшиқ истаиди".  
22.15 "Атмосфера".  
22.50 - 00.15 "Катта вальс". Б/ф.  
00.15 "Иқлим".  
00.20 Миллий сериал: "Опа - синдилар".  
01.00 "Абдор". рус/.  
01.30 Миллий сериал: "Фидойилар".  
02.00 "Шарқ тароналари".  
02.15 Тез Тезр. Тоқилар. 1-қисм.  
03.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
04.00 "Абдор".  
04.40 Миллий сериал: "Узи уянамизан соғин".  
05.10 "Кораник".  
05.30 "Иқлим".  
05.35 - 05.55 "Юрган - дарё".

20.50 "Ёшиқ навоилар".  
21.10 "Изабелла". Т/с.  
22.00 Давр".  
22.30 "Қоломбо". Т/с.  
23.50 "Театр ва ёшлар".  
00.10 "Муъжизалий дунё".  
01.10 "Сузи ёшларга".  
01.50 "Навоий набиралири".  
02.20 "Тараннум".  
02.30 "Автоштраула".  
03.30 "Ўхикой".  
03.40 "Оши бўлини".  
04.10 "Муҳаббат риштаси". Б/ф.  
05.20 "Стоқидик дарр талаба".  
05.30-06.00 "Давр".

ЎЗБЕКИСТОН

05.55 "Иғнонаси, муҳаллас Ватаним".  
06.00, 08.00, 12.00, 16.00, 18.00, 02.00  
"Буддизм".  
06.25 Миллий сериал: "Ҳаёт пайлавоилари". 3-қисм.  
07.00 "Тошкент вақти".  
07.50 "Соғ сехри".  
08.20 "Бизнинг даҳларлар".  
08.20 "Ишга марҳамат!".  
08.25 Тошкент тароналари.  
08.35 "Пойтахт-ёқо".  
08.45 "Профессионал".  
09.05 "Элиза". Т/с. 51-қисм.  
09.50 "Ройтахт-эроп".  
10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт".  
10.20 "Бизнас раши любви". Б/ф.  
11.10 "Қоини лорисанда".  
11.45 "Зне тайни космоса". Х/ф.  
12.00 "Тошкент вақти".  
13.50 "Ройтахт-герога".  
14.10 "Саргузаштлар ороли".  
14.40 "Ҳолис назар".  
15.00 "Ройтахт-эроп".  
15.10 "Угай она". Т/с. 69-қисм.  
16.10 "Ўйки олам аро". Б/ф.  
17.40 "Фан ва тароққиде".  
18.25 "Рақсини серири олам".  
18.35 "Ройтахт-интегум".  
18.45 "Элиза". Т/с. /Премьера/.  
19.00 Тошкент тароналари.  
19.40 "Теле-маркет".  
19.50 "Бизнинг даҳларлар".  
20.20 "Ишга марҳамат!".  
20.25 "Угай она". Т/с.  
21.15 "Пойтахт-шадарлар".  
21.35 "Ройтахт-эроп".  
21.45 "Теле-маркет".  
21.55 "Пойтахт-шадарлар".  
22.20 "Одиноким предостается обжитое". Б/ф. /руч тилида/.  
23.40 "Обод хонлар".  
00.05 "Вёе о туризме".  
00.35 "Пойтахт-шадарлар".  
01.00 "Ройтахт-эроп".  
01.10 "Жизн в микромире". Х/ф. /руч тилида/. 1-қисм.  
02.20 "Бир қадам олга". Б/ф.  
04.00 "Тошкент вақти".  
04.50 "Дунё телеструи".  
05.40 "Мисли гаҳвар".

06.00 "Ватан меҳри".  
06.10 "Тараннум".  
07.00 "Мультипаноирам".  
07.50 "Ёшиқ навоилар".  
08.10 "Чоррахадга уи". Т/с.  
08.40 "Дарр келадиги".  
09.00 "Фил ва малика". Т/с.  
09.50 "Телеструи".  
10.00 "Қоломбо-инфо".  
10.45 "Муҳик инъувар". Т/с.  
11.40 "Навоий набиралири".  
12.10 "Бир қадам". Т/с.  
12.50 "ЎХЕК".  
13.40 "Давр".  
13.10 "Изабелла". Т/с.  
13.50 "Сузи ёшларга".  
14.50 "Театр ва ёшлар".  
15.50 "Муъжизалий дунё".  
15.50 "ЎХЕК".  
16.00 "Давр".  
16.10 "Оттин дарвин". Т/с.  
17.00 "Қоломбо-инфо".  
17.10 "Автоштраула".  
17.30 "Муҳаббат риштаси". Б/ф.  
18.35 "ЎХЕК".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Тонти шадарин". Т/с.  
20.20 "Қишлоқдаги тендишом".

SPORT

06.00 "Ҳайрли тонг".  
06.05 Кўрсатувлар тартиби.  
06.10 "Маҳорат мактаби".  
06.25 Тонти гимнастика.  
06.40 "Матонат".  
07.00 "SPORT-EXPRESS".  
08.00 ХАБАРЛАР.  
08.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ. "БОРСУСИЯ" Д. "БОРСУСИЯ" М.  
10.15 "Спорт рекордлар".  
10.20 "Сурлар рекордлар".  
10.55 Фигурал унчи. Гран-при.  
11.15 Рақамлар, ниҷкалар,

рейтинлар.  
12.00 "SPORT-EXPRESS".  
13.00 "Спорт сайёраси".  
13.20 "Шоҳусулата йула".  
14.00 ХАБАРЛАР.  
14.35 "Спорт сенсацион".  
14.20 "Техно-спорт" (такор).  
14.35 Теннис АТР/ВТА турнири.  
16.15 ИНТЕРФУТБОЛ.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Роллар даҳларлар".  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.55 "Техно-спорт".  
19.05 Омир атлетика. Жаҳон чемпиналари.  
20.30 "СПОРТ - МАРКЕТ".  
20.35 "Футбол шарфи".  
21.30 ХАБАРЛАР.  
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.  
23.40 "Роберто Бакино". Х/ф.  
00.05 Профессионал бокс.  
00.00 ХАБАРЛАР.  
01.25 Баскетбол.  
02.45 Фигурал унчи. Гран-при.  
03.45 "Маҳорат сирлари". Х/ф.  
04.15 - 05.30 Теннис АТР/ВТА турнири.

1

04.00 "Добро утро".  
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 02.00  
Новости.  
07.05 "Полт чиде".  
08.10 Контроль ва зақулка.  
08.35 "Жизн здорово!".  
09.35 Молдий приговор.  
10.30 Фаленд.  
11.15 "Сегодня велером".  
13.05 Смык.  
13.40, 14.20 "Время покажет".  
15.20, 03.00 "Мужское / Женское".  
16.10 "Население со земин".  
18.00 "Давай поженима".  
19.00 "Пусть говорят".  
20.00 "Время".  
20.30 Т/с "Улыбка пересменника".  
22.10 "Поэзер".  
23.10 Х/ф "Нерасказанная история США".  
00.15 Т/с "Умник".  
01.10, 02.05 Х/ф "Дело пёстрых".

РОССИЯ 1

05.00 "Утро России".  
09.00 "Последнее дело майора Провина".  
10.05 "Ток-шоу. "О самом главном".  
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.  
11.55, 14.30, 17.40 Местное время. Вести-Москва.  
11.55 Т/с "Тайны следствия".  
12.55 "Особый случай".  
14.50, 04.40 Вести. Журнальная часть.  
15.00 Т/с "Сердце звезды".  
16.00 Т/с "Пока станица спит".  
18.00 Концерт, посвященный Дню сотрудника органов внутренних дел Российской Федерации.  
Прямая трансляция из Государственного Кремлевского Дворца.  
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".  
21.00 Т/с "Сын за отца".  
00.45 ТАСС. "Со скоростью света".  
01.45 Т/с "Улицы разбитых фонарей".

НТВ

05.00 "НТВ утром".  
07.20 "Прокурорская проверка".  
08.35, 09.20 Т/с "ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХЛАРА".  
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 "Сегодня".  
10.55 "Суд присяжных. Окончательный вердикт".  
13.45 "Обзор. Чрезвычайное происшествие".  
14.25, 15.30 Т/с "ЛЕСНИК".  
17.00 "Говорим и показываем".  
19.00 Х/ф "ЛЕГАНДИЙ-2".  
20.00 "Аномалия дня".  
22.00 Т/с "КРАПЛЕННЫЙ".  
23.55 Т/с "НАРКОТРАФИК".  
00.55 "Л.И. Брежнев. Смерть эпохи".  
01.50 Т/с "ТОНЧИЕ".  
04.00 Т/с "СУПРУГИ".

ный вердикт".  
13.45 "Обзор. Чрезвычайное происшествие".  
14.25, 15.30 Т/с "ЛЕСНИК".  
17.00 "Говорим и показываем".  
19.00 Х/ф "ЛЕГАНДИЙ-2".  
20.00 "Аномалия дня".  
22.00 Т/с "КРАПЛЕННЫЙ".  
23.55 Т/с "НАРКОТРАФИК".  
00.55 "Л.И. Брежнев. Смерть эпохи".  
01.50 Т/с "ТОНЧИЕ".  
04.00 Т/с "СУПРУГИ".

РОССИЯ К

07.00 Телеканал "Еврономое".  
10.50, 15.00, 19.00, 23.45 Новости культуры.  
10.15, 01.40 "Наблюдатель".  
11.15 Т/с "Расследования комиссара Мегера".  
12.05 Д/ф "Жизнь вақина доктора Чумакова".  
12.45 Х/ф "Мефисто".  
15.10 Academy.  
15.55 Д/ф "Алла Тарасова. Чтоб играть на века...".  
16.35 Д/ф "Восталини колыла".  
17.05 Д/ф "Скрипка Леонид Когана".  
18.15 Д/ф "Провидец без мистики. Аскар Аксар".  
19.15 Главная роль.  
19.30 "Сати. Нескучная классика...".  
20.10 "Правда жизни".  
21.40 "Спокойной ночи, малыши!".  
20.50 "Монолог в 4-х частях".  
21.20 Д/с "Космос - путешествие в пространство и времени".  
22.05 "Тем временем" с А.Архангельским.  
22.30, 00.05 Д/ф "Данный взамет".  
"Шесть недель".  
00.40 Д/ф "Георгий Иванов. Распад эпохи".  
01.20 Л.Беговина. Соната N10.  
02.35 Д/ф "Феррара - обитель муз и сродотаче власти".

СТС

04.00 Мультисернал.  
06.00 "6 карлов".  
06.30 11.30 "Воронины".  
07.30 Шоу "Уральских пельменей".  
09.30 "Миллионер пономеле".  
11.20, 20.00 23.30 "6 карлов".  
13.30 "Любит - не любит".  
14.00 "Кузня".  
19.00 "Бестефор".  
20.00 "Возвращение героя".  
22.30 "Кино в деталях с Фелором Болларчуком".  
23.45 "Миллионер пономеле".  
01.35 "Принц Египта".

ТВ3

06.00 Мультифильм.  
09.30 Д/ф "Загадки истории".  
13.30 Д/ф "Городские легенды".  
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями".  
15.00 "Мистические истории".  
16.00, 16.30, 17.00 Д/ф "Галакси".  
17.30 Т/с "Слезна".  
18.00, 01.30 "X-Версия. Другие новости".  
18.30 Т/с "Пятая стража".  
19.30, 20.30 Т/с "Голоса".  
21.30, 22.20 Т/с "Элементарно".  
23.15 Х/ф "Обра".  
02.00 Х/ф "Турби".  
05.00 Д/ф "Затерянные миры".



ЎЗБЕКИСТОН

- 05.55 Кўрсатувлар дастури.
- 06.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 07.00 "Қушларнинг сирли ҳаёти" Х/ф
- 07.30 Миллий сериал: "Ўзи уйламанган соғин"
- 08.00 "Ахборот"
- 08.40 "Сайёралар" Х/ф
- 09.30 "Эркин фикр"
- 09.40 "Агроолам"
- 10.00 "Егина қабурлар" Т/с
- 10.10 "Қандуз амакининг ҳикоялари" М/с
- 11.00 "Ахборот"
- 11.10 Миллий сериал: "Ота-синглилар"
- 11.55 "Иқлим"
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 13.00 "Узингити англа" Ток-шоу
- 13.45 "Қузнинг илоҳий жилавалари"
- 14.00 "Ахборот"
- 14.15 "Менинг боғим"
- 14.35 Миллий сериал: "Фидойилар"
- 15.05 "Қўрғаниррама ҳақида"
- 15.30 "Тинч океани" Х/ф
- 15.55 "Иқлим"
- 16.00 "Тезор ҳазиналари"
- 16.10 "Умар зами"
- 16.30 "Ахборот" /инглиз/
- 16.40 "Қоринч"
- 17.00 "Ахборот"
- 17.10 "Қушларнинг бирлида"
- 17.30 "Иқлим"
- 17.30 "Парақдиқ тангани"
- 17.45 2014 йил - "Соғлом бола йили", "Соғлом келажак"
- 18.10 "Қўнтин қўнтин истайди"
- 18.10 "Парамагнет"
- 18.30 "Хоразм: Мамлук академикси"
- 18.40 "Доктор Хаус" Т/с
- 19.25 20.00, 20.55 Эълонлар
- 19.30 "Ахборот" рус/
- 20.05 Миллий сериал: "Ота-синглилар"
- 21.00 "Ахборот"
- 21.40 "Ойдин ҳаёт" Ток-шоу
- 22.25 "Қўнтин қўнтин истайди"
- 22.35 - 00.15 "Тупламдан умр"
- Б/ф
- 00.15 "Иқлим"
- 00.20 Миллий сериал: "Ота-синглилар"
- 01.00 "Ахборот" рус/
- 01.30 Миллий сериал: "Фидойилар"
- 02.00 "Шарқ тароналари"
- 02.15 Теле-Транс: "Тақдир" 2-қисм
- 03.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 04.00 "Ахборот"
20.40 "Большой вопрос".  
21.40 Шоу "Уральских пельменей". Пель и мень смешат на юмощ. Часть II".  
22.40 "Отважная Лифи".  
Мультифильм.  
00.20 "Муравей Антл".  
00.30 "Может быть?" программа о непознанном и мистическом.

**ТВ3**

06.00, 07.30, 05.45 Мультифильм 07.80 "Школа доктора Комаровского".  
08.00 Х/ф "Раз, два - горе не беа".  
09.45 Х/ф "Карват-лалан".  
12.30 Х/ф "Мэверик".  
15.00 Х/ф "Огонь из преисподней".  
17.00 Х/ф "Смерти вопреки".  
19.00 Х/ф "Над законом".  
21.00 Х/ф "Эффект клобири".  
23.00 Х/ф "Каратель".  
01.30 Х/ф "Девушка с тагирской драконом".  
04.45 Д/ф "Затерянные миры. Город на крови".



## Душанба

09.00 Панорама дня.  
LIVE  
10.25, 02.10 Т/с  
"Шерлок Холмс".  
12.10 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Х/ф "Параграф  
78. Фильм первый"  
15.50 Х/ф "Параграф  
78. Фильм второй"  
17.35, 05.10 "24 кадра"  
18.05, 05.40 "Трон"  
18.35 "Наука на  
колесах"  
19.10 "Диверсанты".  
Ликвидатор  
20.00 "Диверсанты".  
Полярный лис  
20.55 "Диверсанты".  
Убить гауляйтера  
21.55 Баскетбол.  
23.45 Большой спорт  
00.05 "Танковый  
биатлон"  
01.10 "Эволюция"  
04.00 Профессиональ-  
ный бокс.  
06.05 Хоккей.

## Сешанба

08.45 Панорама дня.  
LIVE  
10.25, 02.10 Т/с  
"Шерлок Холмс".  
12.10 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Фильм "Рок-н-  
ролл под Кремлем"  
17.40 Х/ф "ПираМ-  
ММида"  
19.45 "Полигон".  
Оружие победы  
20.15 Х/ф "Утомленные  
солнцем 2. Предста-  
ние"  
23.45 Большой спорт  
00.05 "Танковый  
биатлон"  
01.10 "Эволюция"  
04.00 "Диалоги о  
рыбалке"  
04.25 "Язь против еды"  
05.10 Хоккей.  
07.45 "Диверсанты".  
Ликвидатор

## Чоршанба

08.35 Панорама дня.  
LIVE  
10.25, 02.05 Т/с "Шерлок  
Холмс". Паяцы  
12.10, 01.00 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Х/ф "ПираМММи-  
да"  
16.10 "Опыты дилетан-  
та". Понсковики  
16.40 "Найти клад и  
умереть"  
17.35 Фильм "Клад  
могилы Чингисхана"  
21.10, 23.45 Большой  
спорт  
21.25 Хоккей.  
00.05 "Небесный шит"  
03.55 "Наука на колесах"  
04.20 "Моя рыбалка"  
04.50 "Рейтинг Бажено-  
ва. Человек для опытов"  
05.20 Хоккей.  
07.20 "Диверсанты".  
Полярный лис  
08.10 "Диверсанты".  
Убить гауляйтера

## Пайшанба

09.00 Панорама дня.  
LIVE  
10.25, 02.05 Т/с "Шерлок  
Холмс".  
12.10 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Х/ф "Утомленные  
солнцем 2. Предстояние"  
17.30 "Полигон". Мины  
18.00 "Полигон". Спасе-  
ние подводной лодки  
18.30 "Танковый биат-  
лон"  
20.35 Х/ф "Утомленные  
солнцем - 2. Цитадель"  
23.45 Большой спорт  
00.05 "Извините, мы не  
знали, что он невиди-  
мый"  
01.00 "Эволюция"  
03.55 "Дуэль"  
05.05 Хоккей. Суперсе-  
рия Россия - Канада.  
Молодежные сборные.  
Прямая трансляция из  
Канады  
07.45 "Диверсанты".  
Противостояние

## Жума

08.35 Панорама дня.  
LIVE  
10.25, 03.10 Т/с "Шер-  
лок Холмс". Обряд дома  
Месгретивов  
12.10 "Эволюция"  
13.45, 00.15, 02.40  
Большой футбол  
14.05 Х/ф "Утомленные  
солнцем - 2. Цитадель"  
17.05 "Диверсанты".  
Ликвидатор  
18.00 "Диверсанты".  
Полярный лис  
18.50 "Диверсанты".  
Убить гауляйтера  
19.45 "Диверсанты".  
Противостояние  
20.40 Х/ф "Непобеди-  
мый"  
00.35 Футбол. Чемпио-  
нат Европы-2016.  
Отборочный турнир.  
Португалия - Армения.  
Прямая трансляция  
04.55 "ЕХПрименты".  
Энергетика  
05.25 "За гранью".  
Бионика. Обратный  
эффект  
05.55 "Неспокойной  
ночи". Санкт-Петербург  
06.25 "Неспокойной  
ночи". Афины  
06.50 Профессиональ-  
ный бокс.

## Шанба

09.00 Панорама дня.  
LIVE  
10.10 "Диалоги о  
рыбалке"  
10.40 "В мире живот-  
ных" с Николаем  
Дроздовым  
11.10 "Человек мира".  
Япония  
11.40 Х/ф "Проект  
"Золотой глаз"  
14.05, 17.50 Большой  
спорт  
14.25 "24 кадра"  
14.55 "Трон"  
15.30 "Наука на колесах"  
16.00 Фигурное ката-

ние. Гран-при России.  
Женщины. Произволь-  
ная программа.  
18.10 Фигурное ката-  
ние. Гран-при России.  
Пары. Произвольная  
программа.  
19.35 "Дуэль"  
20.35 Х/ф "Марш-  
бросок. Особые обстоя-  
тельства"  
23.55, 02.40 Большой  
футбол  
00.35 Футбол. Чемпио-  
нат Европы-2016.  
Отборочный турнир.  
Испания - Белоруссия.  
Прямая трансляция  
03.10 Фигурное ката-  
ние. Гран-при России  
05.00 Смешанные  
единоборства.  
BELLATOR. Прямая  
трансляция из США

## Якшанба

09.00 Панорама дня.  
LIVE  
10.10 "Моя рыбалка"  
10.55 "Язь против еды"  
11.25 "Рейтинг Бажено-  
ва". Война миров  
11.55 "Рейтинг Бажено-  
ва". Могло быть хуже  
12.25 Х/ф "Путь"  
14.30 Большой спорт  
14.55 Баскетбол.  
16.45 "Полигон". Ключ  
к небу  
17.15 "Иду на таран"  
18.05 Х/ф "Непобеди-  
мый"  
21.40, 23.55, 02.40  
Большой футбол  
21.50 Футбол. Нидер-  
ланды - Латвия.  
Прямая трансляция  
00.35 Футбол. Италия -  
Хорватия.  
03.10 Смешанные  
единоборства.  
BELLATOR  
05.10 "Как оно есть".  
Мясо  
06.05 Х/ф "Дело  
Батагами"



## МАЙЛИ ЁМФИР, ҚОР ЁФСИН...

Почтачилар ҳар қандай шароитда ишлашга қўниққан. Ҳатто бизнинг тасаввуримизга ҳам сиғмайдиган манзилларда почта алоқаси бўлимлари мавжуд. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

### Пингвинлар билан ёнма-ён

Локрой порти. Антарктида. Бу почта бўлими энг жанубий, энг совуқ ва энг узоқда жойлашган почта бўлими деган номга лойиқ. У Буюк Британия Антарктика ҳудудининг почтаси ҳисобланади. Бу манзилга йўлланаётган откритка ва хатларга махсус Антарктика почта маркаси ёпиштирилади.



Ажабланишингиз мумкин, бироқ Локрой порти Антарктиканинг энг гавжум масканларидан бири — бу ерга ҳар йили 35 минггача одам келиб кетади. Уларнинг аксарияти бу ердан туриб узоқдаги яқинларига почта жўнатиш имкониятини қўлдан бой беришмайди. Хатлар аввалига Фолкленд ороллари, сўнгра Англияга етказилади.

### Вулкон ёқасида

Ясур вулкони. Вануату. Танна оролидаги вулкон ёқасига ўрнатилган бу почта бўлими 80дан ортиқ оролларда жойлашган Вануату давлатига қарашли. Вулконнинг баландлиги 360 метр бўлиб, инсоният учун энг бориш осонларидан ҳисобланади. "Вулкон-почта"га келувчилар сони шунчалик кўпки, марка ва откриткалар савдоси бу мўжаз мамлакат газнасига дурустгина фойда келтирмоқда. Шу муносабат билан ҳатто Вануатуда бир неча йил олдин "Вулкон почтаси" туркум маркалари ҳам чиқарилган.



### Ўз-ўзига хизмат

Флоренна ороли, Галапагос, Эквадор. Бу орол ҳам вулконли. Бу ерда ҳам почта бўлими (Post Office Bay) жойлашган. Энг диққатга сазовор нараси — хат олишга мўлжалланган кўна почта бочкаси. Уни бир пайтлар кит овловчилар ўрнатиб кетишган. Хатлар бочкага ташланаверган, ён-атрофдан ўтаётган кемалар уларни олиб кетган.

Эътиборли жиҳати, почта бочкаси ҳозир ҳам ўз вазифасини бажармоқда, бу ерга келган сайёҳлар хатларни олишади, агар улар ўзлари яшаётган манзил, шаҳарга ёзилган бўлса, эгасига етказиш учун олиб кетишади. Ўзлари ҳам хат ёзиб қолдиришлари мумкин.



Сўнгги йилларда электрон тижоратнинг кенг оммалашishi, ўз навбатида, халқаро жўнатмалар бозорининг ўсишига муносиб замин ҳозирлади ва айтиш керакки, аксарият почта операторлари учун ягона нажот манбаига айланди. Хат-хабарлар ҳажми кундан-кунга камайиб бориши оқибатида ниқироз ёқасига келиб қолган почта компаниялари айнан почта жўнатмалари етказиш орқали аста-секинлик билан оёққа туриб олишмоқда. Қайси минтақада бўлмасин, ижобий молявий қўрсаткичларга эришадиган бу компаниялар муваффақиятининг сирини ўқшаш: самарали жўнатмалар бўлиминини йўлга қўйиш, ретейлерлар ва транспорт компаниялари билан ҳамкорлик, қолаверса, истиқболсиз сервисларни оптималлаштириш. Қўйида айрим чет эл почта операторлари фаолияти мисолида электрон тижоратнинг почта хизматлари билан қанчалик уйғуллашиб бораётгани ҳақида ҳикоя қиламиз.

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ — ПОЧТА ХАЛОСКОРИ

ТАИЛАНД:  
Кўшничиликда  
гап кўп



Жануби-Шарқий Осиё деганда, ҳеч мулоҳазасиз, сўнгги чорак асрда иқтисодийнинг барча йўналишларида тараққий этиб бораётган минтақа кўз ўнгимизда гавдаланади. Биргина интернет орқали савдо-сотикни олайлик. UBS компаниясининг сўнгги тадқиқотига қараганда, яқин олти йилда минтақанинг электрон тижорат бозори ҳажми 35 миллиард долларга етаркан.

Кузатишлар минтақада интернетдан фойдаланувчилар сони ҳисоб-китоблардагидан-да шиддатли ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Илгари экспертлар фаол интернет фойдаланувчилар сонини 62 миллионга деб янглишишган экан, бу кўрсаткич аслида камида 200 миллионга бўлиб чиқди.

Ана шу салоҳиятдан ўз вақтида фойдаланиб қолиш, янги даромад манбаини трансмиллий компаниялар билан бўлишмаслик хоҳиши бу мамлакатларнинг миллий почта операторларини бир ёқадан бош чиқаришга ундади. Жорий йилнинг август ойида Таиланд почтаси (Thailand Post) кўшни мамлакатлар почта хизматлари ҳамкорлигида ASEANга аъзо ўн мамлакат (Бруней, Ветнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мянма, Сингапур, Таиланд, Филиппин) ҳудудига ягона тариф асосида почта жўнатмалари етказиб беришга келишиб олди. Янги хизмат ASEAN-one-price-service дея ном олди.

"Мамлакатларимиз ўртасида шартнома имзолаб бўлинди, бироқ аниқ ҳаракат режасини ишлаб чиқиш учун декабр ойида бўлиб ўтадиган ASEAN почта конференциясини кутишимизга тўри келади", — дейди Таиланд почтаси президенти Анусара Читтмиттрапади.

2013 йили Thailand Post хуусийлаштирилганидан бери ўтган ўн йил давомида энг катта даромадга эришти. Жўнатмалар етказиш ва шунга боғлиқ хизматлардан оператор умумий даромадининг 43 фоизини ишлашга ва

келгусида рақамлар янада ўсиши кутилмоқда. Мамлакат почтаси раҳбари буни электрон тижоратнинг умумий ривожини билан боғлаган.

Жорий йилда Таиланд почтаси 20 млрд. бат (600 млн. доллар атрофида) даромад олишни режалаштирган, даромаднинг ўсишида, яна такорраймиз, электрон тижорат катта рол ўйнайди. Жўнатмалар сони ошиб боришига рақамлар ҳам далолат беради: Thailand Post 2012 йили 82 млн.та, 2013 йили 91 млн.та жўнатмани миқозларига етказиб берган.

Айтиш керакки, бу хизмат тобора такомиллаштириб бориляпти, масалан, феврал ойдан миқозларга кечая кундуз хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Easy Pak деб номланган яна бир лойиҳа эса жўнатмаларни миқозларга 7-Eleven дўконлар тармоғида топширишни кўзда тутди.

Таиланд почтаси, шунингдек, AirAsia авиакомпанияси билан ҳамкорликда жўнатмаларни 24 соатда етказиб беришга мўлжалланган EMS SuperSpeed экспресс-хизматини синов тариқасида ишга туширди.

Мамлакат почтаси ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш учун тез орада корпоратив миқозлар учун логистика ва бошқа хизматларни ҳам очишни мўлжаллаб турибди.

### АВСТРАЛИЯ: Ислохотларнинг "юлдузли йўли"



Улкан ҳудудга эга, бунинг устига аҳолиси сийрак жойлашган мамлакатларда почтани сиёфатли ва тез етказиш асосий муаммолардан саналади. Бу ҳолат Австралия почтаси учун ҳам бегона эмас. Шунга қарамасдан, кўшни минтақада бўлгани сингари, "Яшил қитъа" почтачиларига ҳам интернет-дўконларнинг оммалашаётгани қўл келмоқда.

"Узоқни кўзловчи ретейлерлар истеъмолчилар билан изма-из онлайн савдога кириб келишди, — деди Australia Post раҳбари

Аҳмад Фахур Австралия-Исроил савдо палатасида ўтказилган бизнес вакиллари билан учрашувда. — Биз, ўз навбатида, бу каби катта электрон тижорат майдонлари учун элтиб беришни таъминлаймиз. Жўнатмаларнинг деярли 70 фоизини интернет-операциялар ташкил этипти. Онлайн-шопингнинг юқори суръатларда ривожланиши сўнгги тўрт йилда ички бозорда жўнатмалар етказиш ҳажми 39 фоизга ўсишига замин яратди. Агар 2010 йили жўнатмалар етказишдан 170 млн. доллар даромад қилган бўлсак, аини пайтда бу кўрсаткич 300 млн. долларга етди".

Шу йўналишдаги хизматларни ривожлантириш мақсадида Австралия почтаси 2012 йили Star Track Express логистика компанияси акцияларининг 50 фоизини сотиб олди. Таъкидлаш керакки, бу жуда фойдали битим бўлди, негаки, Star Track Express Австралия шарқий қирғоқларида автоматлашган саралаш марказларига эга, катта шаҳарларда йирик омборлари мавжуд, қолаверса, ўз минтақадан ортиқ транспорт воситаси бор.

Жорий йил баҳор фасли ниҳоясига келиб, Австралия почтаси тўлиқ ребрендинг ўтказди. Star Track Express нафақат жўнатмалар хизматини, шунингдек, корпоратив миқозлар учун экспресс-хизматларни, онлайн-тижоратни ҳам бирлаштирди. Бўлинма таркибидagi миқозларга жўнатмаларни кун давомида етказиб берувчи Messenger Post Couriers сервисини номи Star Track Courier дея қайта номланди.

Австралия почтаси, амалдаги почта офислардан ташқари, 700та автоматлашган жўнатмаларни олиш масканларини ишга туширган. Жорий йил май ойидан почта хизмати ҳафтасига олти кунлик иш тартибига ўтди.

Почтага рақобатчи Австралиянинг йирик логистика компанияси — Toll Group мутахассисларининг прогнозлари бугун ҳақиқатга тўғри келмоқда. Мазкур компания раҳбари Брайан Крюгернинг таъкидлашича, маҳаллий онлайн-тижорат бозори жуда истиқболли ва унда Австралия почтаси етакчи мавқега эга. Почта хизмати шу шашти билан ҳалли-вери ўз ўрнини бошқаларга бериб қўядиганга ўхшамайди.

(Давоми бор.)

Собит АҲАДОВ тайёрлади



# Уста

Телекоммуникация соҳасида катта билим ва тажрибага эга мутахассислар кўп. Шундайлардан бири "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали станция чеки бошлиғи Рўздат НИЯЗМЕТОВдир. Ҳамкасблари уни касбининг моҳир устаси сифатида ҳурмат қилади. Уларнинг гапларида жон бор, албатта.

Чунки, Рўздат ака бу соҳада кўп йиллардан бери хизмат қилади. Аниқроғи, 1979 йили Урганч шаҳарлараро телефон станциясида электромон-тёрликдан иш бошлаган. Кейинчалик "Ўзбектелеком" АК "Хоразм Телеком" (олдинги номи) 6-телефон станцияси 2-тоифали муҳандиси, минтақавий марказ етакчи муҳандиси, автоматлаштирилган телефон станцияси бошлиғи вазифаларида ишлаб келган.

— Рўздат Ниязметов тўғрисида жуда кўп гапириши мумкин. Негаки, бунинсон бор меҳрини, шижоатини соҳага бағишлаган, — дейди Давлат алоқа кўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Қўшназар Ҳайитбоев. — Вилоятимиздаги барча туман марказларининг тўла рақамли АТСлар билан таъминлашида ҳам унинг ҳиссаси катта. Техникани ўрнатиб ҳамда ишга туширишда ўзининг бор куч-ғайрати ва билиминини аямай, сидқидилдан меҳнат қилди. "Ўзбектелеком" АК раҳбарияти ҳам устозининг меҳнатларини эътиборга олиб компани-



Дилomat

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Етар яхшиликдан анга яхшилик.

Алишер НАВОЙЙ

## HAMKASBLARIMIZ



Суратда: Устоз Рўздат Ниязметов шогирди Марҳамат Матёқубовага касб сирларини ўргатишдан чарчамайди.

янинг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирлади.

— Рўздат Ниязметов алоқа тизимида ишлаб келаётган энг тажрибали мутахассислардан бири, — дейди филиал бошлиғи Ортиқбой Оллабергенов. — У билан бирга ишлаш жараёнида бунга ўзим амин бўлганман. Масалан, 1999 йили вилоятда

### Тўрт фарзанднинг меҳрибон отаси, икки нафар набиранинг сеvimли бобоси бўлган Рўздат ака танлаган касби орқасидан эл назарига тушган.

ишга туширилган янги DTS-3100 рақамли телефон станцияси қурилиш-монтаж ишларида унинг тажрибасига таянганмиз. Бундан ташқари, Урганч шаҳрида АТСКУ-3 станциясини ZTE станцияси-

га ўзгартиришда унинг хизматлари кўп бўлган. Шунинг учун ҳам биз унга вилоятдаги барча рақамли телефон станцияларида техника хизмат кўрсатиш вазифасини ишониб топширганмиз.

Тўрт фарзанднинг меҳрибон отаси, икки нафар набиранинг сеvimли бобоси бўлган Рўздат ака танлаган касби орқасидан эл назарига тушган. Ҳамза Раҳимов, Марҳамат Матёқубова, Шокир Матчонов сингари Рўздат ака таълимини олган шогирдлар бугун ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишган.

— Устозимдан жуда миннатдорман, — дейди Урганч шаҳар АТС бўлими станция муҳандиси Марҳамат Матёқубова. — Касбим сирларини ундан кунт билан ўргандим. Рўздат ака техника билан муомала қилишда жуда эҳтиёткор бўлиш кераклиги тўғрисида тез-тез оғоҳлантиради ва майда-чўйда ҳолатларга эринмасдан тушунтиради. Ҳозирги кунда мустақил фаолият олиб борапман. Хуллас, устозим таълимини олиб, кам бўлмадим.

Ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор Рўздат аканинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги муҳбири

## 2014-YIL — SOG'LOM BOLA YILI

Отин кўзининг ўша оқшоми вилоят алоқа ходимлари ҳайтидаги унутилмас дамлاردан бирига айланиб қолди. Улар Термиз шаҳридаги "Қамолбек" тўйхонасида ёш мутахассислар — Бехзоджон Одиллов ҳамда Роҳилахон Норминиоваларга сидқидилдан бахтиқбол тилашди. Айниқса, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси бу тadbирда ўзгача кайфият билан иштирок эттиди. Гап шундаки, тўй сабабчилари аҳил жамоа аъзолари ҳисобланишади. Бехзоджон филиал Биллинг бўлими бошлиғи бўлса, Роҳилахон кадастр мутахассиси.

## "Лимонзор"га келин келди

Ёш оила тўйи бевосита "Ўзбектелеком" АК ҳомийлигида ўтказилганини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Дарвоқе, Бехзоджон ТАТУни ҳам айни шу компания шафелигида битказди. Мустақил ҳаёт йўланмасининг Сурхондарё филиалига берилиши кўрсатилган гамхўрликнинг давоми бўлди. Умидли ходим тез орада жамоа "табиати"га сингиб кетди. Берилган топшириқларни аъло даражада бажаравериб, ўзидан катта ва тажрибали кишиларни сеvimли устозлари деб билди. Натижада назарга тушди. Катта ишонччи оқлаш иқтидорига эга эканлигини амалда кўрсата олди. Шу боис филиал бошқаруви уни Биллинг бўлими бошлиғи этиб тайинлади.

...Куй-қўшиқ авжида, тўй давом этмоқда. Шундай ҳаяжонли дақиқаларда ёш оилага "Ўзбектелеком" АК компаниясининг кафолатланган шартномаси асосида уқ хонали шинам уй ажратилгани айтилди. Янгилик барчани хушнуд қилди. Кўпчилик беихтиёр "Савоб иш бўлибди, раҳмат ҳомийларга!" дейишди.

Ҳа, Бехзоджон Одилловнинг олий даргоҳда ўқиши, иш билан таъминланиши ва турмуш қуришининг ижтимоий ҳимояга олиниши бежиз эмас. У тақдир битигига худди қоятошдек бардошли бўлиб, сабр билан яшаб келмоқда. Олий даргоҳда ўқиб юрган чоғида онаси Махбурат опадан айрилди. Волида муҳтарамаси йўқлигини билдирмасликка интилиб юрган отанинг ҳам умри қисқа экан — Бойсун телекоммуникациялар боғламаси собиқ бошлиғи Иззатилла Одиллов автоҳалокатга учради. Қийин дамларида унга яхши инсонлар айтиб турган ширин сўз, ҳомийлар эътибори далда бўла олди. Висол оқшоми соатларида ҳам худди шу соғлом туйғу билан қаддини адл тутиб келинчаги ёнида ўтирди. Барибир баррикент, кўнгли булоқ сувидай тоза ҳамкасбларининг, қавму қариндошларининг қувонччини ҳис этганде беихтиёр умри қисқа отанасини эслади. "Қани эди, сизларни ҳам шу даврада кўрсам" деб ўксиниб қўйди...

Термиз туманидаги "Лимонзор" маҳалласида қад рослаган намунавий лойиҳа асосида қурилган шинам уйлари яна бирига келин келди. Замонавий жиҳозланган хонадон ва мўъжазгина ҳовли ёш оила соҳиблари — Бехзоджон ва Роҳилахонга жуда ёқди. Энди улар "Лимонзор"да яйраб яшашади ва палак отиб, ували-жували бўлишади.

Нортожи ЗИЕЕВ,  
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири

Қўштена туманидаги 8-умумтаълим мактабида фаолият юритаётган туман ахборот-ресурс маркази 2007 йилда иш бошлаган бўлиб, еттига тармоққа бўлинган. Ундан ҳудуддаги 6, 8, 9, 11, 20, 43, 46-умумтаълим мактаблари ҳам фойдаланиб келмоқда.

Бундан ташқари, бу ерда аҳоли учун зарур бўлган маълумотлар ҳам борки, истаган одам фойдалана олади. Ўқув залида газеталар ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган, қолаверса, мар-

казда бадий китобларнинг энг сара тўплами жамланган бўлиб, бу ердан ўқувчилар ўзлари истаган асарни топиши мумкин.

Ахборот-ресурс марказида компютер, интернет, электрон дарсликлар хизмати йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси турли тadbирлар ўтказишда китобхонларга гоётада асқотаяпти.

— Марказимиз ходимлари ташаббуси билан ташкилот ва муассасалар учун кўчма кутубхона ташкил этилган, — дейди ахборот-ресурс

маркази раҳбари Майрамхон Абдурахмонова. — Ундан библиографик маълумотларни топиш мумкин. Марказини барча учун кенг имкониятлар бешиги, десак муболага бўлмайдди. Чунки у ўқувчиларни теран фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундаш билан бир қаторда, уларнинг маънавий дунёсини бойитишда ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Ўқувчиларнинг дарс машғулотларидан сўнг бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш мақсадида турли тadbирлар,

китобхонлар анжуманлари, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб турилибди.

Майрамхон Абдурахмонова 2012 йили ўтказилган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси" кўрик-танлови республика босқичида голиб чиқиб, Фарғона вилояти шаънини муносиб ҳимоя қилди. У билимдонлиги, ташаббускорлиги, марказни юритишдаги салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўляпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

## Имкониятлар бешиги

Наманган вилоятида Beeline'нинг янги база станциялари ўрнатилди.



**Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси**

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"KARMANA SANOAT SERVIS" унитар корхонасининг (Навоий вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 10 майда берилган АА серияли 0003656 рақамли лицензиянинг амал қилиши Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2014 йил 1 майдаги 09-06/569-хатига асосан корхона тугатилган сана — 2014 йил 1 майдан;

"NARASHIB-NAVOIY" хусусий корхонасининг (Навоий вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2010 йил 17 майда берилган АА серияли 0003249 рақамли лицензиянинг амал қилиши Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2011 йил 23 февралдаги 09-06/188-хатига асосан корхона тугатилган сана — 2011 йил 23 февралдан;

"SERVIS-SAIDA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 30 майда берилган АА серияли 0004690 рақамли;

"Фар Илхом-Шох" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 27 июлда берилган АА серияли 0001603 рақамли;

"Фаррух" фирмасининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 12 мартда берилган АА серияли 0004009 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "IST TELEKOM" чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 6 январда берилган АА серияли 0004880 рақамли;

"PETROTECH" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўча радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2014 йил 27 февралда берилган АА серияли 0004932 рақамли;

"SOLOMON NET" хусусий корхонасининг (Жиззах вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 3 февралда берилган АА серияли 0003971 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 30 октябрдан тугатилди.

*Табрикчилар!*

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарма бош мутахассиси **Рустам ИБРОХИМОВ**ни кутлуг 55 ёши билан табриклаб, унга узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Ғузор телекоммуникациялар боғламасининг шаҳар телефон тармоғи электромонтёри **Тура ЖАЛМАТОВ** ҳамда электр таъминоти электромонтёри **Панжи ШАВАНОВ**ларни муборак 55 ёши қарши олишлари билан самимий муборакбод этади.

**ООО "САМИНТЕКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:**

■ Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, SARTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

■ Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой. Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г. Самарканд.  
Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

**Дикқат! Дикқат! Дикқат!**

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-қарорига асосан "MURUVVAT-TEKS" масъулияти чекланган жамияти ҳамда "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

2014 йил 21 ноябр соат 11.00да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга "MURUVVAT-TEKS" масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 365-бююртмасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 258-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 10 826,0 кв. метр, қурилиш майдони 7 013,0 кв. метрдан иборат қурилиши тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич нархи:** 20 000 000 000 (ийгирма миллиард) сўм.

**Фаолият ихтисоси:** Тadbirkorлик ва объект негизда истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бююртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2014 йил 20 ноябр кунни соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича гоилиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат тўловини тузиладиган закатат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бююртманомани икки нусxada тақдим этади:

**Юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**Жисмоний шахслар учун** — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Бююртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" МЧЎ  
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, телефон: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: [www.rcg.uz](http://www.rcg.uz) e-mail: [rc.group@inbox.ru](mailto:rc.group@inbox.ru)

*Хизматлар лицензияланган.*

**"REALTOR-CONSULTING GROUP" МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижаси**

№	Мулк номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
<b>2014 йил 31 октябр кундаги аукцион савдоси натижаси</b>				
1	Умумий майдони 4 832,0 кв. метрдан иборат қурилиши тугалланмаган ЛИТЕР -0008 (БЛОК Е) майдони 3 616,0 кв. метрдан иборат 4 қаватли ҳамда ЛИТЕР-0009 (БЛОК Е1) майдони 1 216,0 кв. метрдан иборат 1 қаватли бинолари биргаликда мужассам ҳолда	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.	1 664 933 000	1 740 000 000



# Обуна-2015:

## ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР



### АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2015 йил учун газета ва журналларга обуна мавсуми давом этмоқда. Табиийки, бу жараёнда таҳририятлар обуначиларга энг қулай шартларда арзон обуна нархларини таклиф қиладилар. "Xabar" таҳририяти ҳам, бир неча йилдирки, аҳоли, корхона ва ташкилотларга имтиёзли нархларда обуна таклифларини бериб келмоқда.

### Таҳририят билан тўғридан-тўғри обуна шартномаси тузишнинг қандай афзалликлари бор?

#### Бу имтиёзлар нималардан иборат?

Маълумки, таҳририят ҳар йили "Xabar"га иккита — оддий 228 ва имтиёзли 3228 наshr кўрсаткичларида обуна баҳоларини эълон қилади. Биринчи наshr кўрсаткичи — 228да хоҳловчилар газетага бир, уч, олти ой ёки умуман, ўзлари истаган муддатга обуна бўлишлари мумкин. Иккинчи наshr кўрсаткичи — 3228да эса газетага бир йилга тўлиқ обуна расмийлаштирилиши шарт. Мазкур наshr кўрсаткичида обуна нархи сезиларли равишда арзон этиб белгиланади. Мисол учун, ушбу наshr кўрсаткичида обуна бўлганлар оддий наshr кўрсаткичида газетага ёзилганларга нисбатан жорий йилда 15 288 сўм иқтисод қиладилар.

Бундан ташқари, таҳририят Тошкент шаҳридаги айрим алоқа корхоналари билан тўғридан-тўғри обунани уюштириб, уларга етказиш бўйича шартнома тузиб, бу борада ҳам ибратли хизмат турини йўлга қўйган. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали, "Бино сервис" филиали, "UNICON.UZ" ва "Алоқалойиха" ДУК бир неча йилдан буён ушбу имкониятдан оқилона фойдаланмоқда.

**Хурматли газетхонлар! Алоқа соҳасининг жонқуярлари!**  
Ўз газетангиз бўлмиш "Xabar"га обуна бўлишда юқоридаги имтиёزلардан фойдаланинг! Бу имтиёзлар севимли газетангизни ўз вақтида ва табиийки, имкони борича қулай нархда олиб, ўқинишнинг учун жорий қилинган. 3228 наshr кўрсаткичи бўйича обуна бўлганлар 228 наshr кўрсаткичида газетага ёзилганларга нисбатан 15 288 сўм; таҳририят билан тўғридан-тўғри обуна уюштирганлар эса 23 856 сўм иқтисод қилиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин.

**Хурматли газетхонлар!**  
"UNICON.UZ" ДУКдан ибрат олиб, ҳозирданоқ келгуси йил учун обуна уюштирганлар вақти ва нақдидан қанча ютишлари мумкинлигини унутманг!

**Азиз дўстлар, кимда-ким мазкур масала юзасидан қўшимча маълумотга эҳтиёж сезса куйидаги телефонларга мурожаат қилишлари мумкин:**  
Телефон: 288-40-71; Факс: 288-40-72.

## Мен нима учун "Xabar"га обуна бўламан?

**Мактуба ҚОРАБОЕВА,**  
"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали  
I тоифали мутахассиси:

— "Xabar"нинг ҳар бир сони келишини интиқлик билан кутаман. Чунки, газетада биз кутган материаллар кўп бўлади. Филиал маънавий-маърифий ишларини олиб боришимда унда чоп этилган мақолалардан фойдаланаман. Ўтган йили жамоамиз "Xabar"га 75 дона обуна бўлган эди. 2015 йил учун ҳамкасбларимиз яқдиллик билан 80 дона обуна бўлишди. Албатта, бунда биз таҳририят таклиф қилган имтиёздан фойдаландик.

**Камолитдин ЖАЛОЛИДИНОВ,**  
"Алоқалойиха" ДУК техник  
бўлими бошлиғи:

— Мана бир неча йил бўлдики, "Xabar"га таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, обуна бўламиз. Келгуси йил учун ҳам газетага 60 нусхада обуна бўлди. Албатта, бунга газетанинг ўқинишлиги, янгиликларни тезкор ёритиши, соҳа ходимлари учун ранг-баранг мақолалар берилиши сабаб, деб ўйлайман. Таҳририят билан тўғридан-тўғри обунани уюштиришнинг афзал томонлари кўп экан. Энг муҳими, газетани ўз вақтида оламиз. Бошқа ҳамкасбларимизни ҳам севимли газетамизга тезроқ обуна бўлишни, айниқса, таҳририят таклиф этаётган имтиёزلардан фойдаланишни тавсия қиламиз.



## "УМИД НИХОЛЛАРИ"

2014 йилнинг 4-9 ноябр кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мактаб ва туман (шаҳар) босқичи бўлиб ўтади. Унда 1-4-синф ўқувчилари спортнинг 5та тури бўйича, 5-9-синф ўқувчилар бта тури бўйича ўзаро беллашадилар. Бу ҳақда Халқ таълими вазирилик матбуот хизмати хабар берган.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мактаб ва туман (шаҳар) босқичлари ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида ўтказилади. Бу эса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ташкил этиш имконини беради.

Шунингдек, кузги таътил кунларида ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун умумий ўрта таълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларидаги тўғарақлар ва секциялар, сузиш ҳавзалари тўлақонли фаолият кўрсатади. Бугунги кунда республикада уларнинг сони 65 423тани ташкил қилиб, спорт тўғарақларида 1 млн. 637 943 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.



## ТАЭКВОНДО

Англиянинг Манчестер шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган халқаро Гран-при турнирида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари муносиб иштирок этишди.

Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ж.Бойқўзиёв 87 килограмм вазн тоифасида кумуш медал ва Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан М.Рафалович, Д.Шокин, У.Абдуллаева, Н.Маматовалар ҳам



совринли ўринларни эгаллашди.

## ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Пойтахтимизда ёшлар ўртасидаги юнон-рум кураши бўйича мамлакат чемпионати ниҳоясига етди.

Иккинчи кун беллашувларида курашчиларимиз -55 кг, -66 кг, -84 кг ва -120 килограмм вазн тоифаларида баҳс олиб боришди. Ғолиблар: И.Баҳромов (-55 кг), М.Раҳматов (-66 кг), М.Турсунов (-84 кг), Д.Раҳматов (-120 кг).

Ушбу чемпионат орқали мураббийлар келгуси йили бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё ва жаҳон чемпионати борувчи терма жамоа таркибини аниқлаб олишади.

## МУАЙТАЙ

Наманганда муайтай бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юз нафардан зиёд спортчи 14 вазн тоифасида баҳслашди.

Мусобақалар якунига кўра, қорақалпоғистонлик А.Отегенов, Ж.Йўлдошев, М.Кўчқоров, У.Турианиязов, наманганлик Б.Абдуллоимов, И.Холмирзаев, Ф.Самижонов, самарқандлик Т.Жабборов, Ғ.Зубайдуллаев, Ҳ.Облоқулов, Б.Тоғасев, Ф.Қахрамонов, сурхондарёлик К.Турсунов, андижонлик А.Ёқубов ўз вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида чемпионат шохсупасининг биринчи поғонасини наманганлик муайтайчилар эгаллашди. Қорақалпоғистонлик ҳамда самарқандлик спортчиларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

## БОКС

Андижонда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Ёш боксчилар турли вазн тоифаларида рингга чиқдилар.

Яқуний натижаларга кўра, олтига олтин, иккита кумуш ва олтига бронза медални қўлга киритган андижонлик ўсмирлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Фарғона вилояти боксчилари иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

## ПЕНЧАК СИЛАТ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар ва катталар ўртасида пенчак силат бўйича "Uzbekistan Open-2014" халқаро турнири якунланди.

Мусобақада Ўзбекистон, Малайзия, Сингапур, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан 300 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Спортчиларимиздан М.Раҳимов, А.Шербоев, Б.Жонузоқов, У.Абдурахмонов, Ш.Абдуганиев ва Д.Латипова Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.

Турнирда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди.



## E'LON

"VIP REAL ESTATE" МЧЖ  
РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ  
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА  
МАРҲАМАТ!

"MAXAMADJON FOZILOV NUR" МЧЖ шаклидаги агрофирма билан ҳамкорликда 2014 йил 9 декабр куни соат 12.30да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиш тартибиде ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани Тошкент халқа йўли ёқасидаги "Тошпўқай" коллектори ҳамда автомобилларга ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохбосчаси оралигида жойлашган дарахтзордаги 1,05 га ер майдонида экилган 174та терак ва 37та олма дарахтлари қўйилмоқда. Дарахтларнинг бошланғич баҳоси — 15 800 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-торкўчаси, 6-уйда жойлашган Савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Дарахтлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2014 йил 12 декабр куни соат 12.30да бўлиб ўтади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.30да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни Савдо ташкилотчисининг ХОАТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000600250595001, МФО:01041, СТИР: 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмиёлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Кўшимча хизматлар  
кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Амир Темур 1-торкўчаси, 6-уй. Телефон:  
(95)143-01-43, (90) 712-27-85

Лицензия рақами: RR 0173

"Auto Trade Cooperation" МЧЖ  
томонидан 2014 йил 19  
сентябрдан 29 октябргача очик  
аукцион савдоларида сотилган  
мулкларни тўғрисида маълумот

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖга қарашли 1995 йил и/ч "ГАЗ-66" р-ли д/р 01/952WBA бўлган а/м б/б 5 200 000 сўм — с/б 6 000 000 сўм ва ДАТ "Асака" банки Тошкент шаҳар филиалига қарашли 2000 йил и/ч "ГАЗ-322132" р-ли д/р 01/326BAA а/м б/б 5 000 000 сўм — с/б 5 150 000 сўм ҳамда "ГАЗ-322132" р-ли д/р 01/328BAA а/м б/б 4 700 000 сўм — с/б 4 841 000 сўмга сотилганлигини билдирамыз.

Кўшимча маълумот олиш манзили:  
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-торкўчаси,  
6-уй. Тел:(95) 177-96-74

Гувоҳнома 005148



Юртимизда ёшларга катта эътибор қаратиляпти. Айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга микрокредитлар ажратиш, келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун имкониятлар яратиш доимий диққат-эътиборда.

## Qishloq Qurilish Bank

АТБ "Қишлоққурилиш-банк" Қашқадарё минтақавий филиали томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис, транспорт ва алоқа каби тармоқлар учун 22 миллиард 391 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу маблағлар бугунги кунда юрт фаровонлиги, вилоят иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида фаолият юритаётган "Нуртекс" масъулияти чекланган жамиятига ёш тадбиркор Мўтабар Нурматова бошчилик қилмоқда.

— "Қишлоққурилишбанк" Қашқадарё минтақавий филиалидан 12 фозили 60 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи олишга эришдик, — дейди Мўтабар. — Мана, тикувчилик фаолияти билан шугулланяпмиз. Ўндан ортиқ иш ўринлари ташкил қилдик. Бугунги кунда корхонамизда асосан ёшлар, яъни касб-хунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилишяпти. Буюртма асосида махсус кийимлар, кўрпа-гўшак, аёллар халати, кўрпа-ёстиқ жилдлари тайёрляпмиз. Устоз-шоғирданганасига биноан корхонамизда ёшларга тикувчилик сирасорлари кунт билан ўргатиб келинаётимиз. Моҳир, қўли гул тикувчи қизларимиздан Феруза Ҳамроева, Гулрух Иброҳимова, Лола Нурматова, Феруза Назарова каби ёшларимиз корхонамиз номини элга таништиряпти. Келажақда корхонамизни янада ривожлантирган ҳолда янги иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз. Элита пардалари тикишни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари, ҳар хил ҳажмдаги

# Ёш тадбиркорлар



Суратларда: "Нуртекс" МЧЖ ва "Файз барқарор савдо" компаниясидаги иш жараёнлари.



дастурхонлар тикмоқчимиз. Ҳозир Япониянинг 10 дона "JUIITA" русумдаги замонавий тикув машиналари ишимизни ривожлантиришга хизмат қилляпти. Бу ускуналар сифатли ҳамда харидоригир буюмлар тайёрлашда қўл келяпти.

Қарши шаҳрида фаолият юритаётган оилавий тадбиркор Мафтуна Сафарова ҳам ишбилармон ёшлардан саналади. Мафтуна ҳам коллеж битирувчиси. Мутахассислиги — банк иши. У қандолатчилик фаолияти билан шугулланмоқда. Шу туфайли Мафтуна "Қишлоққурилишбанк"дан 40 миллион сўмлик 12 фозили 18 ой муддатта имтиёзли кредит олди. "Турли пишириқлар, ширинликлар, торт, булочкалар ҳамда бошқа қандолат

маҳсулотлари тайёрляпмиз. Келгусида фаолиятимизни ривожлантириб, кўшимча янги иш ўринлари ҳамда маҳсулот турларини ва сифатини оширишга ҳаракат қилляпмиз, — дейди ёш тадбиркор қизимиз.

"Тилсимой зармас" хусусий фирмаси ҳам қандолатчилик фаолияти билан шугулланади. "Қишлоққурилишбанк"дан уч йил муддатта олинган 335 миллион сўмлик кредитга Полшадан замонавий технология харид қилинди. Натжада иш унуми ортиб, маҳсулот сифати яхшиланишига эришилди.

— Кўшимча 12та янги иш ўрни яратилди. Тўққиз турдаги қандолат маҳсулотларини элд дастурхонига тайёрлаб чиқаряпмиз, — дейди ёш тад-

биркор Ориф Бўриев. — Корхонамизда меҳнат қилаётган ёшлар асосан коллеж битирувчилари. Хуршид Гузоров, Наслидин Турсунов, Гузал Зулфиқорова, Гавҳар Холтўраева, Нозима Каримова, Феруза Усарова каби ёшлар меҳнатидан харидорлар мамнун. Бундай ёшлар билан кўп ишларни амалга ошириш мумкин.

Яна бир тадбиркорлик субъекти "Файз барқарор савдо" компаниясида бўлганимизда, юқоридаги фикрларга амин бўлдик. Ушбу компания ҳам АТБ "Қишлоққурилишбанк"нинг 100 миллион сўмлик кредити туфайли мебел ишлаб чиқаришга, ўндан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этишга муваффақ бўлди.

— Айни дамда Хитойнинг замонавий технологияси асосида мебел жамламалари, шкафлар, ошхона, идора мебеллари, стол-стуллар, юмшоқ ётоқ мебеллари ишлаб чиқаряпмиз. Булардан ташқари, корхона ва ташкилотларга шартнома асосида буюртма билан турли мебеллар тайёрлаб берапмиз. Ҳозиргача 200 миллион сўмлик буюртмаларни бажаришга эришдик, — дейди компания раиси Илҳом Худойназаров. — Келажақда ишлаб чиқаришни ривожлантириб, Қарши шаҳрида мебел салони очмоқчимиз. Яна 150 ўринли ресторан, 30 ўринли меҳмонхона бунёд этиш режамизда бор. Халқаро саноат ярмаркасида қатнашдик. Қарши шаҳрида ўтказилган "Ташаббус-2014" галиби бўлдик. Биз каби тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб турган Президентимизга раҳмат. Мана, бутун тадбиркорман. Оиламиз фаровон, юртимиз тинч.

Норкул МАЪМУР,  
"Xabar" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Инсон бахт-саодати нимада?, деган саволга донишмандлардан бири "Авало инсон бўлишнинг ўзи бахт, чунки унинг ўзи бахт саодатлар қазитидир" деб жавоб берган экан. Юртимизда олиб борилаётган барча эзгу ишлар оламида ҳам инсон деб аталмиш мўъжизавий қудратга эътибор, аҳоли турмуш даражасини яхшилашдак алоқдор мақсад ётади. Айниқса, олис қишлоқларда шаҳар шароитидан қолишмайдиган намунали кўркам уй-жойларнинг қад кўтариши юқоридаги фикримизнинг яққол далилларидир.

Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоят, туманлари қатори Жомбой туманида ҳам ушбу хайрли ва эзгу ишларнинг юқори суъратда амалга оширилаётганлиги нур устига нур бўлди. Туманда айни вақтда қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшиб турган намунавий уй-жойларни кўриб кўзингиз қувнайди.

## Чин бахт

Бу кўркам уйлар остонасидан кириб борар экансиз, ихчам ва қўлайлиги, етарли шароитлар мавжудлиги билан диққатни тортади. Айниқса, қурилган уй-жойларни Инвестиция дастури асосида ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ҳар бир массивда алоҳида сув миноралари ўрнатилиб, сув тармоқлари барча хонадонга етказиб берилиши қўлайликларнинг яна биридир. Шу ўринда туманда бу борада амалга оширилган ишларга бир оз тўхталасак.

2011 йил мобайнида туманнинг "Катта қишлоқ", "Назар" маҳаллаларида 64та, 2012 йили "Зарафшон", "Назар", "Эски Жомбой" маҳаллаларида 41та уй-

жойларнинг намунавий лойиҳа асосида қурилиб фойдаланишга топширилганлиги, 2013 йилда "Узуновул", "Хашдала" массиви ва "Эски Жомбой" маҳалласида жами 70та, 2014 йилда "Ўртабуз", "Катта қишлоқ", "Қорақишлоқ" мавзеларида 90та бинонинг битказилиб, уларга қишлоқ аҳолиси кўчиб ўтганлиги хайрли ишлар самарасидан дарак беради.

2015 йили туманда яна 120та намунавий лойиҳага киритилган уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Ҳа, инсоннинг чин бахти унинг қилган ишларида, эзгу амалларида акс этади. Зеро, миллий гоёмизнинг бош мақсади "Озод, обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш"дан, бу эзгу гоёни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби умрбоқий гоёлар билан юксалтириб боришдан иборатдир.

Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Самарқанд вилояти

<h1>Xabar</h1> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Абдусайд КўЧИМОВ</b></p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Хайрат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САҒИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Топкент, Бунёдкор лоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Набатчи: Собит АҲАДОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтаинг жума кунини чиқаяди</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Топкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-1165 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 10125 нуска.</p>	
<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>		<p>Вилоят мухбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80    Бухорода 715-87-21    Гулистонда 240-00-46    Жизҳақда (94) 199-95-64    Навоийда 225-91-10    Нуқусда 554-35-45    Самарқандда 230-64-80    Термизда (91)235-88-68    Тошкентда 288-40-66    Урганча (90) 713-21-40    Фарғонада 244-18-05    Қаршида (93)931-08-99</p>			